## Саид АҲМАД таваллудининг 75 йиллиги



Саид АҲМАД халқ рассоми Раҳим АҲМЕДОВ билан

# ҲАЗИЛ УСТАСИ ҲАҚИДА БЕҲАЗИЛ ЎЙЛАР

(Боши 1-бетда)

Мен бу асарнинг яратилиш тарихини яхши биламан ва бундан ифтихор қиламан. Мен «Уфқ»ни қўлёзма пайтидаёқ биринчилардан бўлиб ўқиганман ва эҳтимол ёзувчимизни чин юракдан қутлаган биринчи китобхондирман. «Уфқ»ни ўқиб чиққан заҳотиёқ қувончимни ичимга сиғдира олмай улуғ ёзувчимиз — жойлари жаннатда бўлғай — ҳурматли Абдулла Қаҳҳорга телефон қилганман. Тез орада Абдулла ака ҳам ўқиб чиқиб менинг фикримга қўшилган ва кўп ўтмай «Уфқ» романи нашр қилиниб, Ўзбекистон Давлат мукофотига тавсия этилганда Абдулла ака романга юксак баҳо бериб мақола ёзганлар.

Бугун бу асар ўзбек романчилигининг энг катта ютуқларидан бирига айланди. Яқинда у Ҳамза номидаги академик театримизда саҳналаштирилиб, мукофот ҳам олди. Бу эса бундан 30-35 йил муқаддам яратилган асарнинг ҳаётийлигидан далолат беради. Лекин мен Саид Аҳмад ижоди ва унинг инсоний хусусиятидаги энг катта фазилатга қайтмоқчиман. Бу фазилат, боя айтганимдек, Саид Аҳмаднинг кулгиси, Саид Аҳмаднинг қувноқлиги.

Сира эсимдан чиқмайди. 1960 йилнинг ёз ойларида Абдулла Қаҳҳор раҳбарлигида бир гуруҳ ёзувчилар Фарғона водийсига сафарга чиқдик. Тинимсиз ичакузди кулги ва қаҳқаҳалар билан айланиб юрдик. Бир кун кечқурун қайси бир колхоз боғига бориб тунадик. Бизнинг келганимизни эшитиб кечқурун шийпонда машҳур аскиячилар йиғилди. Улар орасида буюк кулги усталари — марҳум Расулқори ака, Ижроқум бува, Кўр қори номи билан шуҳрат қозонган аскиячилар ҳам бор эди. Бўлди аския, бўлди аския. Сизга ёлғон, менга чин, деган гап бор. Биз кўпчилик бўлсак ҳам ўша уста аскиячилар билан ёлғиз Саид Аҳмад ака «олишиб» ўтирибди ва боя айтганимдек, сизга ёлғон, менга чин — Саид Аҳмад ака учта машҳур аскиячи билан беллаша олди.

Албатта, улар ҳам бот-бот олиб туришибди. Лекин Саид Аҳмад акага шундай бир илҳом келдики, ҳар учала қизиқчига сўз бермади. Кулавериб йиқилиб қолибмиз. Тўғрисини айтсам, Туркистонда — аския унча машҳур бўлмаган саҳройи жойларда туғилган одам кулги ва қаҳқаҳанинг бутун бетакрор гўзаллигини биринчи марта ўша ерда, водийда ҳис этдим.

Саид Аҳмад ижодининг бу кўркам томонлари, айниқса, унинг «Келинлар қўзғолони» ва «Куёв» комедияларида намоён бўлди. «Келинлар қўзғолони» комедияси бутун дунё десам лоф бўлар, ярим дунёни айланиб чиқди. У шунчалик шуҳрат топдики, комедия ҳақида ҳатто латифалар пайдо бўлди. «Келинлар қўзғолони»ни бир неча минг кишилик томошабинлар орасида намойиш қилганида бир ёш ҳомиладор қозоқ келинчак кулавериб ўтирган жойида туғиб қўйган эмиш. Бировлар бу гапни тўқилган дейишади. Лекин мен бу латифага ишонаман, чунки яқинда ёзувчимиз юбилейи муносабати билан сафарда бўлганимда «Келинлар қўзғолони»ни эмас Саид Аҳмад аканинг ўзини кўрибоқ ётиб кулаверган одамларни жуда кўп кўрдим.

Саид Аҳмад ака ўзи кўп айтадиган бир гап бор: дунёда энг хунук учта одам бор. Бири мен, дейди ёзувчимиз, иккинчиси — раҳматли Туроб Тўла, учинчиси — Шукрулло. Лекин мен марҳум Туроб ака билан Шукрулло ҳақида бир нарса деёлмайман. Аммо табиат хунук қилиб яратган Саид Аҳмад ака давраларда кулгига киришиб кетганда энг гўзал инсон бўлиб кўринади. Мен бу улкан истеъдод соҳиби ва кулги устасига узоқ умр ва бундан ҳам катта ижодий муваффақиятлар тилайман.

Халқимизни ҳамиша кулдириб ва ўзингиз ҳам доим кулиб юраверинг, Саид ака!

***Ў. Ўтаев:— Домла, ёшлигингизда кўпгина касбларни орзу қилиб, турли соҳаларнинг кўчасига кириб чиққан экансиз. Дастлаб дорбоз, кейин рассом, ҳатто артистликка ҳам ҳавасингиз баланд бўлган дейишади. Лекин барча истакларингиздан ёзувчилик майли устун келди. Бугун адабиётимиз оқсоқолларидан бирисиз. Суҳбатимизни сизни ижод оламига етаклаган устозлар ҳақидаги хотиралардан бошласак.***

**С. Аҳмад:**— Менинг адабиётга кириб келишим ҳам бироз қизиқ. Дастлаб ўқиган асарларимга тақлид қилиб, кичик ҳикоялар ёзардим. 1940 йилда «Тортиқ» номли кичкина ҳикоялар тўпламим босилиб чиқди. Машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор «Ўзбекистон маданияти» газетасида илк тўпламим ҳақида танқидий мақола билан чиқди. Устоз менга дашном бериш билан бирга, камчиликларимни одилона айтиб, йўл-йўриқ кўрсатди. Шундан сўнг ижоддан бироз кўнглим совиб, ёзмай юрдим.

Менинг ёзувчиликдаги биринчи устозларим Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбеклар бўлишган. Ғафур Ғулом оқ йўл тилаган бўлса, Ойбек рус тилидаги биринчи китобимга тақриз ёзган. Ойбек ниҳоятда доно, билимдон, ҳаддан ташқари меҳнаткаш, бекиёс талантли, сахий инсон эди. Ёш қаламкашларга маънавий ёрдамдан ташқари моддий ёрдам ҳам берарди.

Юрганда икки қўлини орқасига қилиб, доимо ўйлаб юрарди. Ҳаяжонланганда гапидан тутилиб қоларди. Доимо ниманидир: кичкина қоғоз парчасими, гугурт чўпими, дарахтдан узиб олган барг бандими, ишқилиб хаёл ичида, ўша нарсаларни тиши билан бурдалаб юрарди. Унинг бу одати тўғрисида Ғафур Ғулом қанчадан қанча латифалар тўқиган эди. Ойбек домла умри бўйи сўкиш нималигини билмай ўтди. Унинг энг нафратли сўзи «гўдайган» деган сўз эди. Ғазабга тўлганда, алам ўтганда, албатта рақибга «гўдайган» деб аламидан чиқарди.

Ойбек домла ҳалол, покиза киши эди. У ҳеч қачон бировнинг ҳақини емаган, аксинча бировларда унинг ҳақи қолиб кетган. У кўнгли хоҳламаган кишилар даврасига қўшилмасди.

Дам олиш кунларида болаларини олиб Бўстонлиқ, Оқтош томонларга кетарди. У ерда ўзига ўхшаган содда, ўта камсуқум деҳқон, боғбон, чорвадор дўстлари бўларди. Ушалар билан суҳбат қуриб, тоғ ҳавосидан нафас олиб келарди. Оилада хўжалик ишларига аралашмасди. Бозорда сабзи неча пул, пиёз неча пул — билмасди. Бу ишларни ҳурматли опамиз — марҳума Зарифа Саидносирова ҳамда ўғиллари бажаришарди.

Олим сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам, носир сифатида ҳам Ойбек беқиёс шахс эди. Унинг талантига, поклигига, меҳнаткашлигига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

***Ў. Ў. — Маълумки, «Уфқ» романи эълон қилингач, сиз Абдулла Қаҳҳорнинг юксак баҳосига сазовор бўлдингиз. Роман ўқувчилар томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. «Уфқ»гача бўлган асарларингизни бугун ўзингиз қандай баҳолайсиз?***

**С. А.**— Тўрт-бешта ҳикоялар китобим босилгач, йирик жанрларда ўзимни синаб кўриш ниятида қиссалар ёза бошладим. «Қадрдон далалар» босилиб чиққанда анча яхши гаплар бўлди. Аслида «Қадрдон далалар» анча бўш эди. Ё ўша пайтларда қисса камлигиданми, ё китобга дурустроқ назар ташлайдиган адабиётшуносларнинг йўқлигиданми, ишқилиб, қиссанинг камчиликларини ҳеч ким сезмади. Кейинчалик ўз виждоним олдида ўзимни поклаш ниятида дурустроқ қисса ёзишга аҳд қилдим. Ниҳоят «Ҳукм» ёзилди. Очиғини айтсам, қисса ўзимга маъқул тушгандек бўлди. Адабий жамоатчилик ҳам унга яхши баҳо берди.

# МУҲИМИ — ЎҚУВЧИНИ ИШОНТИРИШ

## Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан суҳбат

Уруш йиллари, урушдан кейин тақдир тақозоси билан хизмат ва ижод зарурати билан чўлларни кўп марталаб кездим, янги ерларни ўзлаштираётган кишилар тўғрисидаги очерклар ёздим. Кейин Ёзёвон чўлларини ўзлаштираётган кишилар ҳаётини ўрганиш оқибатида «Чўл бургути» туркуми яратилди. Ана шундай қилиб чўл одамларига, манзараларига меҳрим тушиб қолди. Аста-секин кўнглимда роман туғилаётганини ўзим ҳам билмай қолибман.

***Ў. Ў. — Романнинг бош қаҳрамони Икромжоннинг ҳаётда прототипи борми?***

**С. А.** — Ёзёвонни ўзлаштириш ташаббускорларидан бири Ориф Каримов тўғрисида «Одамнинг изи» деган бир очерк ёзганман. Ана шу очерк мени романга бошлаган илк кўприкдир. Агар эсингизда бўлса, колхоз раиси Раимберди тоға билан Икромжоннинг чўлдан ер танлагани кетаётган пайти айнан ўша очеркнинг ўзи. Фақат Ориф Каримовни Икромжон деб ўзгартирдим, холос.

Ёзёвон чўли обод далалар ўртасида бир неча юз минг гектар тўқайлик, қум тепалар, ботқоқликлар эгаллаб ётган ташландиқ майдон. Унинг атрофида Андижон, Фарғона, Наманганнинг жаннатдек далалари, боғлари яшнаб ётибди. Чўлни ўзлаштириш нияти урушдан олдин режалаштирилган. Шу ниятда Катта Фарғона каналининг жуда кўп қисми шу чўл оралаб ўтган. Шу жойларни кезганимда романбоп бирон воқеа яратолсам, албатта китобимнинг қаҳрамонлари мана шу чўлларда ҳаракат қилиши керак деб ўйладим. Энг аввал асосий қаҳрамоним ким бўлади, деган савол туғилди. У ким? Нима иш қилади? Тақдири қандай бўлади? Унинг атрофида яна кимлар бўлади?

Ана шундан кейин аввал Икромжон, кейин ўғли Турсунбой, ундан кейин хотини Жаннат ая пайдо бўлди. Шундай қилиб мен Икромжонни аямай оғир кулфатларга рўпара қилвордим. Умуман, адабиётда енгил курашда ғалаба қилган қаҳрамон ўқувчи ёдида сақланиб қолмайди. Агар асар қаҳрамони кескин тўқнашувлардан, оғир руҳий ҳолатлардан, жангу жадал билан ўта олса китобхон дилига ўрнашиб қолади.

Бу образларни ўзим ижод қилган бўлсам ҳам, уруш йилларидаги юзлаб танишларим, уруш қора кийдирган мотамзода кишилар; ота эркалатишларидан маҳрум бўлган гўдаклар, боласидан жудо бўлган оталар, юзларини бемаҳал ажин қоплаган оналар қиёфаси мана шу икки персонажимга кўчиб кирди. Бирининг қиёфаси, бирининг юрагидаги армони, бирининг бошига тушган кулфати... Булар ўзим таниган бир неча одамлардан териб олинган характерлардир.

Асрора, Зебихон, Дилдор. Буларга ўхшаган қизларнинг қанчасини уруш йиллари кўрганман. Атлас кўйлагу пошнали туфлиларини сандиққа ташлаб беш йил этик кийиб, далада кетмон чопган, юзларини дала шамоллари қорайтирган, нозу назокатлари қўполлашиб эркакларга ўхшаб дағаллашиб кетган қизлар озмунча эдими? Айниқса, Асрорани ана шундай ажойиб қизларга қўйилган ҳайкал бўлсин деб ният қилгандим.

Иноят оқсоқол жуда хасис, ярамас одам. Мол-дунё учун жонини беради. Охири у мана шу моллари ичида куйиб ўлади.

Ёзувчилар ижод боғида романни ёзаётган пайтларим эди. Икромжон ўғли Турсунбойни отган бобини тугатиб ташқарига чиқдим. Ўзимча нима қилиб қўйдим деб ўйлайман. Тўғри қилдимми? Ўз ўғлини ўлдирган отани китобхон яхши кўрадими? Лаънатламасмикин? Ана шундай хаёллар билан ўтирган эдим, Абдулла Қаҳҳор ёнимга келганини сезмай ҳам қолибман.

— Шоир, нимани ўйлаяпсиз, — деди домла.

Абдулла ака баъзан ҳазиллашиб шоир дерди.

— Қаҳрамоним боласини отиб ташлади.

— Қаҳрамонингиз яхши одаммиди, — деб сўради домла.

Мен у кишига қаҳрамоним ижобий дедим.

Домла бош чайқади.

— Бўлмапти. Боласини ўлдирган одам яхши одам бўладими? Китобхон қаҳрамонингизни ҳам, сизни ҳам қарғайди.

Жуда мулзам бўлдим. Яна бир ўйлаб кўришимни айтдим.

Ўша куни кечаси билан ухламай чиқдим, ўйлаб-ўйлаб фақат бир жумла қўшдим, холос. Икромжон боласини отади, аммо отган ўқи унга тегмайди. Шунда Икромжон хайрият, тегмади, дейди. Эртасига домланинг олдига кириб ўша бобни ўқиб бердим. Домла ўйлаб туриб шундай деди:

— Энди яхши бўпти. Битта жумла хатонгизни тузатибди. Демак, сиз ёзмаган бўлсангиз ҳам ўқувчи қулоғига Икромжон ўқ узаётган пайтда унинг «тегмасин, э худо, тегмасин» деб тургани эшитилиб туради. Хайрият тегмади дегани ўқувчи кўнглига худди шундай гаплар солади.

Турсунбойнинг ўлмай қолгани менга бироз ташвиш бўлди. Бироқ кейинчалик роман сюжетининг қизиқарли бўлишига анча фойдаси тегди. Роман битиб «Шарқ юлдузи» журналида босилгандан кейин Абдулла Қаҳҳорга кўринмай қочиб юрдим. Домла, албатта, бирон жойидан камчилик топиб мени хафа қилишини билардим. Бир куни рўпару бўлиб қолганимизда, қўрқманг, роман менга жуда ёқди дедилар. Жуда севиниб кетдим. Лекин битта камчилиги бор, китоб бўлиб чиқишида албатта тузатинг, деб тайинладилар. Романнинг биринчи китоби Турсунбойнинг ўлими билан тугарди. Домлага бу хотима ёқмади.

— Турсунбойнинг ўлими романнинг асл мақсади эмас. Мақсад Икромжон тақдири. Албатта Икромжоннинг ёркин бир ҳолати билан китобга нуқта қўйишингиз керак эди, — дедилар.

Бу гап менга ҳам маъқул бўлди. Ўзим жуда тўлиб турган эканман. Ўша кечасиёқ ўтириб романга қўшимча боб ёздим. Унда Икромжон Дилдорнинг ўғлини тўнига ўраб кўтариб ўтирган бўлади. Дилдор болани ундан олиб кетганда бағрида бола ҳиди қолади. Бу ҳиддан Икромжон эсанкирайди. Бу гўдак ҳиди янги олам, янги ниятлар, энтикишлар, яшаш иштиёқини қўзғатади. Гўдак ҳидидан Икромжон бутун армонларини, чеккан азобларини унутади.

***Ў. Ў. — Ҳақиқатдан ҳам, роман адабий жамоатчилик, кенг китобхонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Шундай бўлгач иккинчи китобни ёзиш шартмиди?***

**С. А.** — Иккинчи китобни ёзиш ёки ёзмасликни жуда кўп ўйладим. Биринчи китобчалик таъсирли чиқармикин? Романни ўқиганлар асар қаҳрамонлари ҳозир борми, йўқми, адресини берсангиз, хат ёзишардим деб кўп илтимос қилишди. Тўғрисини айтсам, бу хилдаги хатлар мени қувонтирди.

Хуллас, китобнинг давоми ўқувчини ҳаяжонга солармикин деган андиша кўп бўлди. Кейинчалик қаҳрамонларимнинг тақдирлари равшанлаша боргани сабабли дадил ёза бошладим. Аъзамжон, Иноят оқсоқол, Зебихон, Асрора, Холматжонлар тақдири ўзимни ҳам қизиқтириб қолди. Ўйлашга кўп ўйладим-у, аммо ёзишга келганида жуда тез ёздим. Романнинг жуда кўп боблари Найман қишлоғида, баъзи боблари шу чўлдаги колхоз меҳмонхонасида ёзилди.

Биринчи китоб ҳам журналда, ҳам икки марта китоб ҳолида босилгани сабабли ёзёвонликларнинг кўпчилиги ўқиб бўлишган экан. Иккинчи китобини ёзаётганимда, улар олдимга келиб, чўлда бўлаётган ва бўлган воқеаларни романингизнинг бирон жойига яраб қолар, деб айтиб берадиган бўлишди.

Умуман, «Уфқ»нинг йўли ойдин бўлди. Рус тилига таржима бўлиб Москвада уч марта босилди. Қозоқ, Литва, қорақалпоқ тилларига таржима қилинди. Ўзбекистон телевидениеси икки марта телепостановка қилиб кўрсатди. Айниқса, рус тилидаги постановка икки кун давомида Москва телевидениеси орқали кўрсатилди.

***Ў. Ў. — Сиз кейинги йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё пахтакорлари, чорвадорлари тўғрисида қатор очерклар ёзаяпсиз. Авваллари асосан Фарғона водийси ҳақида ёзардингиз. Бунинг боиси нимада?***

**С. А.** — Ўринли савол. Тўғри, мен умрим бўйи водий манзараларини, одамларини, ўша ерларда бўлиб ўтган воқеаларни қаламга олганман. «Фарғона ҳикоялари», «Чўл бургути», «Чўл шамоллари», «Қадрдон далалар», «Ҳукм» Фарғона водийси кишиларига бағишланган. Бу водийнинг ажиб, сўлим манзаралари, дўлвор кишилари, ўзбек халқига хос бўлган урф-одатларининг яхлит сақланиб қолганлиги мени ўзига жалб қилган эди.

Кейинги пайтларда республикамизнинг бошқа вилоятларини ҳам кўриш, уларнинг урф-одатлари, ҳаёт тарзларини ўрганиш нияти туғилиб қолди. Кўп кезишлар, одамлар билан суҳбатлар шуни кўрсатдики, биз ижодкорлар бир жойни кўриб қолиб, ҳамма вақт ўша ер тасвири билан ўралашиб қолар эканмиз. Мен Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари адабиётимиз учун битмас-туганмас манба эканлигини билиб қолдим. Бу ерларда қадим тарихимиз яшириниб ётибди. Халқ тили бой, образли.

***Ў. Ў. — Халқимизнинг бебаҳо мероси — фолклорга муносабатингиз қандай?***

**С. А.** — Фолклор — бугунги улкан адабиётимиз дарахтининг жон озиғи, теран илдизлари. Бу теран илдизлар озиғисиз гуркираган бақувват дарахтимиз хазон фаслига юз бурган бўлур эди.

Бошқача қилиб айтганда фолклор меросимиз тепасида сирли бахт порлаган чўққидирки, биз ҳар биримиз баҳолиқудрат бу чўққига интилишимиз лозим. Боя айтганимдек мен Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида бўлганимда халқ оғзаки ижодининг бугунги давомчилари бўлмиш бахшилар, чанқовузчи ва сибизғачиларни кўриб ҳайратландим. Айниқса, Деҳқонободда Қодир Раҳим ўғли деган бахши шоирни учратганим мен учун чинакам мўъжиза бўлганди. У дарёга ўхшаб жўшиб куйлар эди. Афсуски, бу буюк талант соҳиби орамиздан анча бевақт кетди. Ҳозир ҳам уни эсласам кўз олдимда Алпомиш келбати намоён бўлиб, қулоғимда унинг бетакрор нолалари қайта жаранглагандай бўлади.

***Ў. Ў. — «Келинлар қўзғолони» асарингиз Ҳамза театри саҳнасида 500 дан зиёдроқ ижро этилди. Бу асар саҳна юзини кўргач, танқидчилар ўртасида қизғин баҳс уйғотганди. Бу баҳс ҳозир ҳам тингани йўқ. Бу баҳсларга ўзингиз қандай баҳо берасиз?***

**С. А.** — Ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам танқидчиларнинг тортишувларига аралашмаганман. Мен учун асарнинг ўзи курашди. Мақтаганга ҳам ёмонлаганга ҳам муносабатимни билдирмадим. Танқидчилар бир-бирлари билан тортишиб бирон фикрга келгунларига қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистон театрлари ўртасида талон-торож бўлиб кетди.

Менга Мухтор Авезов номидаги Қозоғистон Давлат академик драма театри Кентов шаҳрига гастролга келганда спектакл вақтида бир ҳомиладор келинчак кулавериб туғиб қўйганини айтиб беришган.

Фармонбиби ролини ижро этаётган халқ артисти Собира Майконова болани саҳнага опчиқиб халққа кўрсатган ва болага Саидаҳмад деб ном қўйган.

«Келинлар қўзғолони» — қардош Қозоғистон халқига яна битта фуқаро қўшганидан хурсандман.

***Ў. Ў. — Яқинда Ҳамза театрида «Уфқ» романингиз асосида яратилган спектаклнинг премераси бўлди. Роман ўқувчилар қўлига етиб борганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Бу орада роман бир неча бор босилиб чиқди. «Уфқ» асосида телевизион спектакл яратилиб ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта намойиш этилди...***

**С. А.** — Фикрингизни тушундим. Ҳамза театри жамоасидан бир неча йилдан буён пиеса қарздор эдим. Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги ҳукуматимизнинг қарори чиққандан кейин уруш мавзуида бирор нарса ёзиб бермасангиз бўлмайди, деб оёқни тираб туриб олишди. Кўп ўйладим. Тўғрисини айтсам, уруш мавзуида оригинал асар ёзиб уларни қойил қилишимга кўзим етмади. Охири «Уфқ» асосида саҳна асари ёзишга киришдим. Бу фикрим театр жамоасига ҳам маъқул келди. Айниқса театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедовнинг «Уфқ»даги Икромжонга «ишқи» тушиб қолган экан, пиесани ёзиб топширгунимча бир сония ҳам тинч қўймади. Спектаклни дўстларим, шогирдларим билан бир неча бор кўрдим. Ўзимга маъқул келди. Айниқса талантли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимовнинг изланишларидан мамнунман.

***Ў. Ў. — Бир пайтлар «Фан ва турмуш» журналида «Ижод аҳлининг ўн сифати» деган мақолани ўқиган эдим. Мақолада талант туғма хусусиятми деган саволга талант туғма бўлиши шарт эмас, ўқиб ҳам ижодкор бўлиб етишиш мумкин деган гапларга ҳам дуч келганман. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?***

**С. А.** — Мен шу ўринда Максим Горкийнинг аксиомага айланиб кетган ижоднинг 99 фоизи меҳнат деган гапини эслатиб ўтишни ўринли деб биламан.

***Ў. Ў. — Шу кунларда бир ижодкор сифатида қандай муаммоларга дуч келяпсиз?***

**С. А.** — Ҳаётда муаммолар кўп. Ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар бу муаммо эмас. Одамларнинг маънавий дунёсини, савиясини кўтариш тўла маънода сиз билан бизга боғлиқ.

***Ў. Ў. — Инсондаги қайси фазилатларни юксак қадрлайсизу, қайсиларидан нафратланасиз?***

**С. А.** — Инсондаги ҳалоллик ва покликни жуда-жуда қадрлайман. Икки юзламачи, хиёнаткорни ёмон кўраман.

Хиёнатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кичик хиёнат катта хиёнатнинг онасидир. Дўст, оила ва юртга садоқатни муқаддас бурчимизга айлантирайлик!

**Суҳбатдош**
**Ўрол ЎТАЕВ**

# ОЛИЙЖАНОБЛИК МАКТАБИ

*ШУКРУЛЛО,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

Зарифа опанинг «Ойбегим менинг» китобини қўлимга олдиму, Ойбек ака билан сўзлашгандай чексиз ором оғушига чўмдим.

Ойбек деганда Алишер Навоийнинг:

*Ошиқ ани билки, эрур дарднок,*
*Ҳам тил-у, ҳам кўзи-ю, ҳам кўнгли пок,—*

деган мисралари ёдимга тушаверади.

Ҳақиқий ошиқларга хос дардмандлик ҳам, умрида риё билмаган тўғрисўзлик ҳам, меҳр ва меҳрибонлик тўла юлдуздек порлоқ кўзлар ҳам, гўдак қалбидек беғубор поклик ҳам Ойбек акада мужассам эди.

Ойбек ака ёзувчилар уюшмасига раис вақтида, уюшманинг биноси 1-май кўчасида эди. Бинонинг олди қисми бошдан-оёқ узун ойнаванли айвон бўлиб, ҳамма хоналарга, шу жумладан, тўрдаги Ойбек аканинг хонасига ҳам шу йўлдан ўтиларди. Мен ўтирган хонанинг эшиги шу айвонда бўлгани учун очиқ эшикдан ўтган-кетган бемалол кўриниб турарди.

Баъзи кунлари сочлари тўзғиган, ақл тўла, йирик-йирик кўзлари ўйчан Ойбек ака нималарнингдир хаёлида айвонга чиқиб, ўзича айланарди. Шу қадар ўйга чўмиб кетардики, атрофида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдек, ҳатто менинг борлигимни ҳам унутиб, қандайдир ўзи ёқтирган бир куйни ҳиргойи қилиб, айвонда айланарди. Мен эса, ҳар бир ҳаракатини завқ ва ҳавас билан кузатардим. Хаёлини бузиб қўймаслик учун дамимни ичимга ютиб, фикрида нималар туғён ураётганини кўнглимдан ўтказиб, тагига етмоқчи бўлардим. Ойбек ака хаёл билан ўзича бир куйни ҳиргойи қилиб, айвонда айланаркан, ҳовли томонга қараб бир дам турди-да, кўп ўтмасдан, худди биров тез келинг, деб чақиргандек шошилинч хонаси томон юриб кетди. Чамамда, хаёлида нимадир пишиб етилган эди. Бу янги романнинг сюжетими ёки янги достон туғилдими? Ёки куни кеча партия марказий комитетига чақириб «Қизлар» достонидан қандайдир хатолар топиб, дилини ранжитганларида пайдо бўлган ҳолатмиди? Ёзувчилар союзининг раҳбари сифатида ўйлаган режаларининг ечими топилганмиди?

Ойбек аканинг «Қизлар» достони босилиб чиққанида танқидчилигу жамоатчилик уни адабиётнинг ютуғи, достончилигимиздаги янгилик сифатида юксак баҳолаганди. Аммо, орадан бир-икки йил ўтгандан кейин, фақат бу эмас, ҳатто Давлат мукофотини олган «Навоий» романидан ҳам ғоявий хатолар изланиб, танқид тошлари ёғдирила бошланди. Ойбек ака хаёлини бугун банд этган ўйлар ҳаётимизда ҳукм сурган мана шу адолатсизликлар эмасми? Олий Советга депутатлик ҳам жонкуяр, виждонли одамга масъулият юклайди-ку, ахир!

Ойбек таржима қиларди. Либреттолар ҳам ёзарди... адабиётшунос, тарихчи...

Ўйлаб-ўйлаб Ойбек бўлиш, Ойбек даражасига етиш осон эмас, бунинг учун узлуксиз меҳнат, миллатга муҳаббат, оламча илм керак деган хулосага келардим.

Ойбек акани кузатар эканман, у қаршимда бир кўзгу эди: у ҳақда ўйлаган сарим, ўзимни буюк қоя тагидаги одамдек ҳис қила бошлардим. Унинг ҳар бир ҳаракати мени чуқур ўйга толдирарди. Нималардир қилишга ундарди.

Ойбек ака ниҳоятда камгап, ҳамиша хаёлчан эди. Ахир, 20 жилд асар ёзиб мерос қолдиришнинг ўзи бўладими! Бу фақат ишда ёки фақат ўйдагина эмас, ҳар қаламда, ҳар ерда ўйлашни, фикр-зикри шу билан банд бўлишни тақозо этарди. У ҳеч маҳал узоқ гапирмасди. Суҳбат пайтларида ҳам ҳамиша хаёлчан, гапингиз кўнглига маъқул тушгудек бўлса, шунда ҳам завқ билан, «Ия!..», «О, яхши!..» деган қисқа жавобни қила қоларди.

У ўзига яқин икки-уч одамнинг мақтови билан ном чиқариш, ўзини тарғиб қилишни ўйламасди. Қилган ишимдан халққа нима манфаат тегди, бирор одам мушкулини осон қилишга ярадимми?— деган эзгу дард билан яшарди.

У ҳаётда машаққатларни кўп чеккан. Кўп одамлар уни ранжитган. Аммо бирон марта кимдандир шикоят қилганини, ранжиб гапирганини билмаганман. Бироқ унга ҳамдардлик қилиб, уни ўринсиз танқид қилган ёки камситган кишилар ҳақида гапирмоқчи бўлган пайтларда ҳам у бундан завқ олиб, ёмонлашу ёки ҳасратга ўтмасди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек икки оғиз «Ҳа, Ҳа!..» деб қўя қоларди. У ҳамиша орзулар, хаёллар парвози билан яшарди. Кўнгли тортмаган одамлар билан ҳамтовоқ бўлмасди. Улардан ҳазар қиларди, нопокликка қайсар, ўз обрўсини билган, ўз сўзли, иродаси мустаҳкам, бетакрор инсон эди. Ёмон одамлар билан ҳамтавоқ бўлиш ёмонликни тарғиб қилиш билан баробар, деб биларди.

Отам: «Ўзидан паст одамлар ҳақида қандайдир таъма илинжида ҳамдусано айтиш ёки риёкор ёмон одамлар ҳақида сўзлашгина эмас, фикр юритишнинг ўзи кишини қанчалик пастга тортса, ҳалол, элга эътиборли одамлар ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам одамни юксакка кўтаради»,— дердилар.

Кунлардан бир кун нашриёт директорларидан бири менга Ойбек билан учрашиб, қандайдир масала устида гап кетганда, уни жуда боплаб ёлғонга ишонтиргани, Ойбек аканинг эса индамай қолганини мақтаниб гапириб қолди. Ойбек ака феълини озми-кўпми билганим учун: «Сиз унуми ёки у сизни бопладими?»— демоқчи бўлдим-у бу гап ортиқчалигини билиб, индамай қўя қолдим. Ойбек аканинг бирор жавоб қайтармай, индамаганлиги — бу унинг алданганлиги ёки маккорлигингни сезмаганлигидан эмас, аксинча, шундай тубан кишилар билан баҳслашишни ўзи учун муносиб кўрмаганлиги деб тушунган эдим. Бу воқеа кейинчалик «Ақл ва макр» деган шеърнинг ёзилишига сабаб бўлди:

*«Хўп топиб ёзади киши қалбини,*
*Нозик шоир», дейсан шеърини ўқиб.*
*Шу гапинг маъносин олмайсан ўқиб,*
*Соддага йўясан кўрганда уни.*

*Гоҳо чимирилиб, гоҳ лабда кулгу,*
*Уни сеҳрламоқ бўласан, бироқ*
*Макр билан эмас, ақл билан у*
*Сени кузатади, солади қулоқ.*

*Не-не фирибгарлар кирдикорини*
*Бир қалам учида очолган шоир,*
*Сенинг юрагингда нелар борини*
*Наҳот, англамас, деб ўйладинг, ахир!*

*Асл инсонийлик тарозусида*
*Сени ўлчаб кўриб, қайтган ихлоси.*
*Унинг сукути-ю, жим қолишидан*
*Домимга солдим, деб ўйлама асти!*

*Йўқ, шоир ҳиссини бўлмайди алдаб,*
*Сиртдан баҳо бериб бўлмас кишига.*
*Одамнинг оласи ичида деган,*
*Отни баҳолашур қараб тишига!*

Ойбек аканинг фикри-хаёли ёмонликдан узоқ, кўнглида эгрилик бўлмасди. Одамлардан ёмонлик изламас, ҳаммани ўзидек биларди.

Ойбек ака одатдагидек қандайдир хаёллар билан хонасидан чиқиб, бир оз айвонда айланди-да, менга кўзи тушиб хонага кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, тамадди қилмоқ учун мени ҳам буфетга таклиф қилди-да, гап орасида: «Ичиб турибсизми?»— деб сўраб қолди. Буни қай маънода сўраганини ўйлаб, ҳали жавоб қилгунимча бўлмай, нима дейишимни билгандай: «Ичасиз, ҳа, ичасиз», — деди-ю буфетга бошлаб кетди. Едик, оз-моз ичдик. Ҳаммасига, ҳатто мен олган папиросларимгача, қайтимини олмасдан пул тўлади.

Бу воқеалар хаёлимга келганда, Ойбек ака ҳақиқатан ҳам замоннинг авлиёси бўлган экан, деган хулосага келаман. Мен у вақтда ёш шоир, унинг қўлидаги кичик бир ходим. У эса раис, буюк адиб, менга: «Оз-моз ичиб турибсизми? Бизларнинг вақтимизда бундай хилма-хил яхши ичимликлар бўлмасди, пулимиз ҳам етмасди. Палакдаги тарвузнинг ичига жийда солиб ачитиб, ичардик»,— деб ҳикоя қилганда, бу гапларим билан пиёнисталикка йўл қўйган бўлмайманми, деган фикр унинг хаёлига ҳам келмасди. Унинг қалбида инсонга меҳр, ишончдан ўзга нарса бўлмаган.

Замоннинг фариштаси эди!

1948 йили бир неча ёш ўзбек шоирлари Москвада ўтказиладиган ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ кенгашига бордик. Ойбек аканинг Москвага келганини эшитиб, у қўнган «Балчиқ» меҳмонхонасига кўргани бордик. Ойбек ака аҳволимизни, тирикчилик, кайфиятимизни сўради. Албатта, унинг олдига келганимиздан мақсад фақат Ойбек акани кўриш эмас, унинг сахий феъли ҳаммамизга маълум бўлгани учун ҳам, бирор ёрдам ундириш ниятимиз ҳам йўқ эмас эди. Қуруқ кетмадик, Союздан бироз пул ундирдик.

Ўша кунги учрашувда нималар қилаётганимизни сўраб, гап орасида: «Кинотеатрларга ҳам бўш вақтларда тушаяпсизларми? Ёлғиз тушманглар, уят бўлади, қизларни олиб тушинглар»— деган гапни ҳам айтди. Ана, тўғри кўнгиллик! Бошқа раҳбар бўлса, албатта, бунинг бутунлай тескарисини айтарди. Аммо Ойбек ака буни тўғри кўнгилда, Оврупо маданиятини тушунган маданий одам сифатида, самимий айтган эди.

